



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Сўмнинг реал самарали алмашув курсини ҳисоблаш методологияси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2026 йил 18 мартдаги
9/1-сонли қарори билан тасдиқланган

СЎМНИНГ РЕАЛ САМАРАЛИ АЛМАШУВ КУРСИНИ ҲИСОБЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

1. Кириш

Мазкур методология сўмнинг самарали алмашув курси индексларини ҳисоблаш тартибини белгилаш ҳамда уларни баҳолашда ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Реал самарали алмашув курси пул-кредит шароитларини баҳоловчи, шунингдек, асосий савдо ҳамкорларининг инфляцияси ва валюта курсларидаги ўзгаришлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётнинг нисбий нарх рақобатбардошлигини ифодаловчи макроиқтисодий кўрсаткичдир.

2. Асосий тушунчалар

Номинал алмашув курси (алмашув курси) – бир мамлакат миллий валютасининг бошқа мамлакат миллий валютасидаги қийматини ифодалайди. Алмашув курси икки валюта ўртасидаги алмашув нисбатини кўрсатади.

Номинал самарали алмашув курси (НСАК) – миллий валютанинг асосий савдо ҳамкорлари валюталарига нисбатан қийматини уларнинг ташқи савдодаги улушлари асосида вазн бериб ҳисоблаш орқали аниқланадиган индексдир. Бунда мамлакатлар ўртасидаги нархлар даражаси фарқи ҳисобга олинмайди.

Реал алмашув курси – бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасига нисбатан қийматини икки мамлакатдаги нархлар даражаси фарқини ҳисобга олган ҳолда ифодалайди. У миллий ва хорижий товарлар ўртасидаги нисбий қийматни акс эттириб, иқтисодиётлар ўртасидаги нарх рақобати шароитини кўрсатади.

Реал самарали алмашув курси (РСАК) – миллий валютанинг асосий савдо ҳамкорлари валюталарига нисбатан қийматини инфляция фарқини ҳисобга олган ҳолда ҳамда уларнинг ташқи савдодаги улушлари бўйича вазн бериб ҳисоблаш асосида аниқланадиган индексдир. РСАК миллий иқтисодиётнинг ташқи бозорлардаги нисбий нарх рақобатбардошлигини ифодалайди.

3. Ҳисоблаш тартиби

Халқаро амалиётда самарали алмашув курсларини ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд. Марказий банк сўмнинг самарали алмашув курсини геометрик ўртачалаш усули асосида ҳисоблайди.

Вазн сифатида асосий савдо ҳамкорларининг мамлакат ташқи савдо айланмасидаги улуши олинади.

Номинал алмашув курсларини реал кўрсаткичга ўтказишда тегишли мамлакатларнинг истеъмол нархлари индекси (ИНИ) қўлланилади.

3.1. Номинал алмашув курси

Номинал алмашув курси миллий валютанинг хорижий валютадаги қиймати (E) ёки аксинча, хорижий валютанинг миллий валютадаги қиймати (R) орқали аниқланади:

$$E = \frac{1}{R} \quad (1)$$

бунда:

$E = 1$ сўмнинг хорижий валюта бирлигидаги қиймати;

$R =$ хорижий валютаси 1 бирлигининг сўмдаги қиймати.

3.2. Номинал алмашув курси индекси

Номинал алмашув курси индексини ҳисоблашда алмашув курси базавий даврга нисбатан индекс (NER_{it}) кўринишига келтирилади:

$$NER_{it} = 100 \times E_{it}/E_{i0} \quad (2)$$

бунда:

t – давр, 0 – базавий давр;

E_{it} - t давр учун 1 сўмнинг танлаб олинган i -савдо ҳамкорининг валюта бирлигидаги қиймати;

E_{i0} - базавий давр учун 1 сўмнинг танлаб олинган i -савдо ҳамкорининг валюта бирлигидаги қиймати.

Номинал алмашув курси индекси ўсиши сўмнинг солиштирилаётган валютага нисбатан номинал мустаҳкамланишини, пасайиши эса қадрсизланишини билдиради.

3.3. Реал алмашув курси индекси

Реал алмашув курси индекси (RER_{it}) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$RER_{it} = NER_{it} \times \frac{CPI_{Dt}/CPI_{D0}}{CPI_{Fi}/CPI_{Fi0}} \quad (3)$$

бунда:

CPI_D – Ўзбекистон истеъмол нархлари индекси;

CPI_{Fi} – танлаб олинган i -савдо ҳамкорининг истеъмол нархлари индекси.

3.4. Номинал самарали алмашув курси

Номинал самарали алмашув курси танлаб олинган савдо ҳамкорларнинг номинал алмашув курслари индексини вазнга тортилган геометрик ўртачаш усули орқали аниқланади:

$$NEER_t = 100 \times \prod_{i=1}^N (NER_{it}/100)^{w_i} \text{ yoki} \\ NEER_t = 100 \times (NER_{1t}/100)^{w_1} \times \dots \times (NER_{Nt}/100)^{w_N} \quad (4)$$

бунда:

w_i – танлаб олинган i савдо ҳамкорининг ташқи савдо айланмасидаги вазни;
 N – танлаб олинган савдо ҳамкорлари сони.

3.5. Реал самарали алмашув курси

Реал самарали алмашув курси танлаб олинган савдо ҳамкорларнинг реал алмашув курслар индексларини вазнга тортилган геометрик ўртачаш усули орқали аниқланади:

$$REER_t = 100 \times \prod_{i=1}^N (REER_{it}/100)^{w_i} \text{ yoki} \\ REER_t = 100 \times (REER_{1t}/100)^{w_1} \times \dots \times (REER_{Nt}/100)^{w_N}. \quad (5)$$

4. Занжирли индекс усули

Биринчи босқичда номинал ва реал самарали алмашув курсларининг ҳар бир давр учун аввалги даврига нисбатан $(t/t-1)$ ўзгариш суръатлари ҳисобланади. Иккинчи босқичда натижалардан занжирли индекс (*chain-linked index*) усули ёрдамида ягона динамик қатор шакллантирилади. Бунда танланган давр учун индекс базавий қийматдан бошлаб, барча олдинги даврлар ўсиш суръатларини кўпайтириш орқали ҳисобланади. Ушбу ёндашув узоқ муддатли динамикани аниқроқ акс эттириш имконини беради.

5. Вазнларни аниқлаш тартиби

Валюта савати таркиби сўнги уч йилда ташқи савдо айланмасида энг юқори улушга эга бўлган N -та мамлакатни танлаб олиш асосида шакллантирилади. Бунда, танлаб олинган мамлакатларнинг умумий ташқи савдо айланмасидаги жами улуши 85 фоиздан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

Танланмага фақат номинал алмашув курслари ва нарх индекслари бўйича мунтазам ҳамда солиштирама статистик маълумотлар мавжуд бўлган мамлакатлар киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ташқи савдо географиясидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш мақсадида танланманинг таркиби ва мамлакатларнинг вазнлари ҳар уч йилда камида бир марта қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

Самарали алмашув курсларини ҳисоблашда қўлланиладиган ҳар бир валютанинг вазни қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$w_i = \frac{X_i + I_i}{\sum_{k=1}^N (X_k + I_k)}; \quad \sum_{i=1}^N w_i = 1 \quad (6)$$

бунда:

X_i – Ўзбекистоннинг и савдо ҳамкорига амалга оширган экспорт ҳажми;

I_i – i савдо ҳамкоридан Ўзбекистонга амалга оширилган импорт ҳажми.

6. Олтин экспортини ҳисобга олиш

Олтин экспортининг таъсирини баҳолаш мақсадида номинал ва реал самарали алмашув курси индекслари алоҳида ҳисобланади. Олтин экспорти мамлакатлар бўйича тақсимланмаганлигини инобатга олиб, Н-та мамлакатга қўшимча равишда «Олтин» ўзгарувчиси алоҳида сатр сифатида киритилади. Кейинги босқичда вазнлар олтин экспорти ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисобланади. Олтин экспорти АҚШ долларарида амалга оширилганлиги сабабли, «Олтин» сатри учун валюта сифатида АҚШ доллари қабул қилинади. «Олтин» сатри бўйича реал курсни ҳисоблашда нарх индекси сифатида олтин нархининг ўзгариши олинади.

7. Маълумотлар манбалари ва ҳисоблаш даврийлиги

Базавий давр – 2019 йил сентябрь ойи.

Маълумот учун: Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш доирасида 2019 йил 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга қўйилди. Шу сабабли, 2019 йил сентябрь ойи сўмининг реал самарали алмашув курси индексини ҳисоблашда базавий давр сифатида белгиланган.

Статистик манбалар:

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси (экспорт ва импорт ҳажмлари, истеъмол нархлари индекси);

Савдо ҳамкорларнинг миллий статистика органлари (истеъмол нархлари индекси);

Савдо ҳамкорларнинг марказий банклари (расмий алмашув курслари).

Алмашув курси кўрсаткичларидан ойлик ўртачага келтирилган ҳолда фойдаланилади.